




**ОЛИЙ ТАЪЛИМДА
АДАБИЁТЛАР БИЛАН
ИШЛАШНИ САМАРАЛИ
ТАШКИЛ ЭТИШ**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН
ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ ОЛИЙ
ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДҚИҚОТЛАРИ ВА
ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ МАРКАЗИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА АДАБИЁТЛАР БИЛАН ИШЛАШНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Методик қўлланма



ТОШКЕНТ
2023

УЎК: 378.018(072)

КБК: 74.58

М – 23

Маматкулов, С.

Олий таълимда адабиётлар билан ишлашни самарали ташкил этиш [Матн] : методик қўлланма / С. Маматкулов. – Тошкент: “Sano-Standart”, 2023. – 32 б.

ISBN 978-9943-9096-8-7

Мазкур методик қўлланмада республикамизда фаолият юритаётган олий таълим муассасаларида талабалар ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг ўқув ва илмий адабиётлар билан ишлашни ташкил қилиш ҳолати тадқиқ этилган. Шу билан бирга, ушбу фаолиятга оид хориж тажрибаси ҳам қиёсий ўрганилган. Олинган натижалар асосида олий таълимда адабиётлар билан ишлашни самарали ташкил этишга оид услубий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Методик қўлланма олий таълим тизимида фаолият олиб бораётган раҳбар ходимлар ҳамда профессор-ўқитувчилар учун мўлжалланган. Шунингдек, олий таълим соҳасида тадқиқот олиб бораётган изланувчилар ҳам ўз тадқиқот мавзуси доирасида услубий қўлланмадан ўрин олган маълумотлардан фойдаланишлари мумкин.

Таҳрир ҳайъати:

Ш.Якубов, М.Эсанов, Т.Аҳмедов,
А.Эшмуродов, С.Мусамедов, А.Сабриев

УЎК: 378.018(072)

КБК: 74.58

Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2022 йил 29 октябрдаги 6-сонли йиғилиш баёни ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2022 йил 25 ноябрдаги 388-сонли буйруғи билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-9096-8-7

© Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази, 2023 й.

КИРИШ

Таълим жараёнида адабиётлар билан ишлаш муҳим ўрин тутди. Айниқса, олий таълимда профессионал кадрлар тайёрлашни ўқув ҳамда илмий адабиётларидан холи тарзда тасаввур қилиб бўлмайди. Зеро, дарсликлар, ўқув қўлланмалар, илмий нашрлар ва бошқа манбалар юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг бирламчи ва зарурий воситалари ҳисобланади. Умуман, кенг маънода китоблар ва унга бўлган муносабат инсон ва жамиятнинг маданий камолотини белгилаб берувчи муҳим мезон бўлса, олий таълим жараёнида эса талабалар ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг ўқув ва илмий адабиётларга муносабати таълим сифатини белгилаб берувчи асосий омил саналади. Шунинг учун ҳам олий таълим муассасаларида талабаларни адабиётлар орқали ўқитишни тўғри ташкил этиш, уларнинг дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмалар билан ишлашдаги фаоллигини ошириш таълим сифатига бевосита алоқадор бўлган муҳим масалалардан ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда фаолият юритаётган олий таълим муассасаларида талабалар ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг ўқув ва илмий адабиётлар билан ишлашида мавжуд бўлган муаммоларни ўрганиш, аниқланган муаммоларни бартараф қилишга кучли эҳтиёж юзага келган. Чунки бу масала қанчалик долзарб аҳамиятга эга бўлмасин, узоқ вақтлар давомида диққат-эътибордан четда қолиб келмоқда. Бу борада деярли ҳеч қандай тадқиқотлар ҳам амалга оширилмаган. Шу жиҳатдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази томонидан мазкур масалани илмий асосда тадқиқ этиш, олинган натижалар асосида баъзи бир услубий тавсияларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Мазкур услубий қўлланма шу мақсаднинг амалий ифодаси ўлароқ ёзилган бўлиб, унда айни пайтда олий таълим муассасаларида талабалар ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг адабиётлар билан ишлаш ҳолати, ундаги ютуқ ва камчиликлар, хорижий давлатлар тажрибаси ва мазкур фаолиятни самарали ташкил қилишга қаратилган бир қатор тавсиялар ўрин олган.


ТАДҚИҚОТ ВА ТАҲЛИЛ

Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази томонидан олий таълим муассасаларида талабалар ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг адабиётлар билан ишлашдаги фаоллигини ўрганиш, бу борадаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф қилишга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида тадқиқот ўтказилди.

Тадқиқот учун 2022 йил сентябрь-октябрь ойларида Республикадаги олий таълим муассасасаларда таҳсил олаётган жами **25 809 нафар** талаба ҳамда иш фаолиятини олиб бораётган **1088 нафар** профессор-ўқитувчи ўртасида социологик сўров ўтказилди, унда адабиётлар билан ишлашнинг жорий ҳолати улар томонидан билдирилган фикрлардан келиб чиқиб таҳлил этилди.

Тадқиқотда иштирок этган талабаларнинг **98% (25 303 нафар)**и бакалаврият босқичида, **2% (506 нафар)**и эса магистратура босқичида таҳсил олмоқда. Бу рақам олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган бакалавр ва магистратура талабалари умумий сони нисбатига деярли мос келади. Сўровномада иштирок этган талабаларнинг **44% (11 360 нафар)**-ини эркаклар, **56% (14 449 нафар)**ини эса аёллар ташкил этиб, уларнинг **93,3% (24 078 нафар)**и 18-24 ёшдаги, **5% (1 287 нафар)**и 25-30 ёшдаги, **1,7% (444 нафар)**и эса 30 ёшдан катта ўрта ёшдаги талабалардан иборат бўлди.

Ўзингиз таҳсил олаётган ОТМ ахборот-кутубхона марказига аъзосисиз?




Дастлабки саволлар тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб талабаларнинг ОТМ ахборот-кутубхона маркази билан муносабатини аниқлашга қаратилди. Хусусан, “**Ўзингиз таҳсил олаётган ОТМ кутубхонасига аъзомисиз?**” деган саволга **73,9** фоиз талаба “*ҳа*”, **26,1** фоиз талаба эса “*йўқ*” жавобини берган.

Демак, ҳар тўртта талабанинг учтаси ОТМ кутубхона-марказига аъзо. Талабаларнинг чорак қисми эса кутубхонага аъзо эмас.

Шунингдек, **26,2** фоиз талаба ҳафтасига фақат *1 марта*, **18,1** фоиз талаба эса *2 марта* ахборот-кутубхона марказига ташриф буюришини айтган. Ҳафтасига *3 марта* ташриф буюрувчилар салмоғи **14,7** фоизни ташкил этган бўлса, бор-йўғи **8,1** фоиз талаба ҳар куни кутубхонага боришини маълум қилган. **32,8** фоиз талаба эса кутубхонага деярли *бормайди*.


Бир ҳафтада неча бор кутубхонага ташриф буюрасиз?



Юқоридаги натижалардан маълум бўлмоқдаки, талабаларнинг ўқув ва илмий адабиётлар билан ишлашида ОТМ кутубхонасининг ўрни анчагина заиф. Ҳар **учта талабадан бири** кутубхонага бормайди, ҳар **12 талабадан биригина** мунтазам кутубхонага ташриф буюради.

Кейинги савол ахборот-кутубхона марказларининг зарур адабиётлар билан таъминланиш даражасини аниқлашга қаратилди. “**Сиз таҳсил олаётган ахборот-кутубхона маркази зарур адабиётлар билан таъминланганми?**” деган саволга **44,7%** талаба “*тўлиқ таъминланган*”, **34%** “*қисман таъминланган*” деган жавобни берган бўлса, **16,6%** респондент “*билмайман*”, **4,6%** талаба “*таъминланмаган*” деган фикрда.


Сиз таҳсил олаётган ахборот-кутубхона маркази зарур адабиётлар билан таъминланганми?



Демак, ОТМ ахборот-кутубхона марказларининг қарийб ярми талабалар учун зарур бўлган адабиётлар билан тўлиқ таъминланган.

Навбатдаги савол ахборот-кутубхона марказларининг электрон хизмат кўрсатиш имкониятини аниқлашга қаратилди. “Сиз таҳсил олаётган ОТМ ахборот-кутубхона маркази электрон адабиётлар фондидан масофавий фойдаланиш имконияти борми?” деган саволга талабаларнинг 51,9 фоизи “ҳа”, 37,7 фоизи “билмайман, хабарим йўқ” деб жавоб берган, 10,4 фоизи эса бундай имконият мавжуд эмаслигини таъкидлаган.

Сиз таҳсил олаётган ОТМ ахборот-кутубхона маркази электрон адабиётлар фондидан масофавий фойдаланиш имконияти борми?




Демак, талабаларнинг ярми ОТМ ахборот-кутубхона марказининг китоб фондидан электрон тарзда масофадан туриб фойдаланиш имконияти мавжудлигини таъкидламоқда. Ҳар учта талабадан бири бу

ҳақда қизиқиб кўрмаган. Ҳар ўнта талабанинг бири эса бундай имконият мавжуд эмаслигини билдирмоқда.

Кейинги саволда талабалардан ОТМ ахборот-кутубхона марказлари фаолиятини баҳолаш сўралди. Натижада, талабаларнинг **40,6 фоизи “аъло”, 34,3 фоизи “яхши”, 16,9 фоизи “қониқарли”** деб баҳо берган бўлса, **8,2 фоиз** талаба “қониқарсиз” баҳосини берган.

Сиз таҳсил олаётган ОТМ ахборот-кутубхона маркази фаолиятини қандай баҳолайсиз?


25 809 ответов



Демак, умумий ҳолатда ҳар тўртта талабанинг учтаси ахборот-кутубхона маркази фаолиятини юқори баҳоламоқда. Ҳар ўн иккита талабанинг бири кутубхона фаолиятдан қониқмайди.

Тадқиқотда талабаларнинг қандай китобларни ўқишга устуворлик бераётгани ҳам ўрганилди. “Одатда қандай адабиётларни ўқийсиз?” саволига респондентларнинг **34,4 фоизи “бадний китоблар”, 31,9 фоизи**

Одатда қандай адабиётларни ўқийсиз?




“дарслик ва ўқув қўлланмалар”, **15,2 фоизи** “мотивация берувчи китоблар”, **10,5 фоизи** “илмий китоблар”, **5,1 фоизи** “диний китоблар”, **0,6 фоизи** “публицистик адабиётлар”, **2,3 фоизи** эса “ҳар хил” деб жавоб берган.

Демак, талабаларнинг адабиётлар билан ишлашида бадий китобларнинг ҳажми устунлик қилмоқда. Ҳар учта талабанинг бири асосан дарслик ва ўқув қўлланмалар билан ишлайди. Ҳар ўнта талабадан фақат биттаси асосан илмий адабиётлар билан шуғулланади.


Кейинги савол талабаларнинг бошқа тиллардаги адабиётларни ўқиш даражасини аниқлашга қаратилди. “Хорижий тиллардаги китобларни ҳам ўқиб турасизми?” деган саволга **48,2 фоиз** респондент “онда-сонда”, **26,2 фоизи** “ҳа, тез-тез”, **25,6 фоизи** “ўқимайман” деган жавобни берган.

Хорижий тиллардаги китобларни ҳам ўқиб турасизми?



Демак, ҳар тўртта талабадан биттаси хорижий тилдаги адабиётларни мунтазам ўқиб боради. Яна шунчаси эса умуман ўқимайди.

Бирорта хорижий тил бўйича сертификатингиз борми?




Навбатдаги савол талабаларнинг хорижий тиллардаги адабиётларни ўқиш имкониятини аниқлашга қаратилди. Бунинг учун тил сертификатларининг бор ёки йўқлигига эътибор берилди. Талабаларнинг **87,9 фоизи** бирор хорижий тил сертификатига эга эмаслигини айтган бўлса, **12,1 фоизи** бундай сертификатга эга эканлигини маълум қилган.

Маълум бўлмоқдаки, хорижий тилдаги адабиётларни мунтазам ўқиб борувчи (**26,2 фоиз**) талабаларнинг ярмидан камроғи (умумий талабаларнинг **12,1 фоизи**) бирор бир хорижий тил сертификатига эга.

Кейинги савол аудитория соатлари (маъруза, семинар, амалий машғулот дарслари)да талабаларнинг профессор-ўқитувчилар томонидан янги нашр этилган ўқув ва илмий адабиётлар билан таништириб бориш ҳолатини аниқлашга қаратилди. Талабалар берган жавобларга кўра, профессор-ўқитувчиларнинг **74,8 фоизи** талабаларни янги адабиётлар билан таништириб боради. **25,2 фоиз** профессор-ўқитувчи эса фақат эски адабиётлар билан кифояланади.

Сизга дарс ўтаётган ўқитувчилар янги нашр этилган адабиётлар билан сизни таништириб борадими?




Демак, ҳар тўртта профессор-ўқитувчидан уч нафари талабаларни янги адабиётлар билан таништириб боради, чорак қисми эса фақат эски адабиётлар асосида фаолият олиб боради.

Тадқиқотнинг аниқлик даражасини ошириш мақсадида талабалар билан бирга Республиканинг турли ҳудудларидаги ОТМларда фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчиларнинг ҳам бу борадаги фикрлари ўрганилди. Тадқиқотда иштирок этган профессор-ўқитувчиларнинг умумий миқдори **1088** нафардан иборат бўлиб, уларнинг **53 фоизини** эркаклар, **47 фоизини** аёллар ташкил этди. Шундан **51,8 фоизи** 40 ёшгача, **42,7 фоизи** 40-60 ёшдаги, **5,4 фоизи** 60 ёшдан юқори бўлган


респондентлардан иборат бўлди. Респондентлар таркиби илмий даража ва унвонига кўра қуйидагича бўлди: **67,9 фоиз** – илмий даражага эга бўлмаган, **26,8 фоиз** – фан номзоди ёки PhD, **5,2 фоиз** – фан доктори ёки DSc илмий даражасига эга бўлганлар, шундан **74,5 фоиз** – стажёр-ўқитувчи, ўқитувчи ва катта ўқитувчи, **22,1 фоиз** – доцент, **3,4 фоиз** – профессор унвонидаги педагог ходимлар.

Ўзингиз фаолият юритаётган ОТМнинг ахборот-кутубхона марказига аъзомисиз?




Дастлаб профессор-ўқитувчиларнинг ОТМ ахборот-кутубхонасига бўлган муносабатини ўрганишга қаратилган саволлар билан муурожаат қилинди. Хусусан, биринчи савол профессор-ўқитувчиларнинг ОТМ ахборот-кутубхона марказига аъзолик даражасини аниқлашга қаратилди. Жавоблардан маълум бўлдики, профессор-ўқитувчиларнинг **94,2 фоизи** ОТМ ахборот-кутубхона марказига аъзо, **5,8 фоизи** эса аъзо эмас.

Сиз фаолият юритаётган ОТМ ахборот-кутубхона маркази сиз учун зарур бўлган илмий, ўқув ва ўқув-услубий адабиётлар билан таъминланганми?



Кейинги савол ОТМ ахборот-кутубхона марказларининг зарур адабиётлар билан таъминланиш даражасини аниқлашга қаратилди. “Сиз фаолият юритаётган ОТМ ахборот-кутубхона маркази сиз учун зарур бўлган илмий, ўқув ва ўқув-услубий адабиётлар билан таъминланганми?” деб берилган саволга респондентларнинг 57,3 фоизи “қисман таъминланган”, 37,9 фоизи “тўлиқ таъминланган”, 4,9 фоизи эса “таъминланмаган” деган жавобни берган. Демак, ОТМ ахборот-кутубхона марказларининг қарийб 38 фоизи профессор-ўқитувчилар учун зарур адабиётлар билан тўлиқ таъминланган.

Сиз фаолият юритаётган ОТМ кутубхонасида хорижий давлатлар кутубхоналари фондидан фойдаланиш имкони мавжудми?




Навбатдаги савол ОТМ ахборот-кутубхона марказларининг хорижий давлатлардаги кутубхоналар билан интеграциясини ўрганишга қаратилди. “Сиз фаолият юритаётган ОТМ кутубхонасида хорижий давлатлар кутубхоналари фондидан фойдаланиш имкони борми?” деган саволга 66,7 фоиз респондент “ҳа”, 33,3 фоизи эса “йўқ” деган жавобни берган.

Демак, ҳар учта ОТМ кутубхонасидан иккитасида хорижий давлатлар кутубхоналарининг адабиётлар фондидан фойдаланиш имкони мавжуд.

Кейинги саволда профессор-ўқитувчиларнинг янги нашр этилган адабиётлардан қандай хабардор бўлиши ўрганилди. Хусусан, “Сиз соҳангизга оид янги нашр этилган илмий ва ўқув адабиётлардан одатда қандай хабар топасиз?” деб берилган саволга респондентларнинг 58,1 фоизи “интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали”, 18,5 фоизи “ҳамкасблар билан мулоқот орқали”, 12,1 фоизи “илмий конференцияларда”, 11,3 фоизи эса “бошқа” деган жавобни келтирганлар.


Сиз соҳангизга оид янги нашр этилган илмий ва ўқув адабиётлардан одатда қандай хабар топасиз



Демак, профессор-ўқитувчиларнинг аксарияти интернетдаги турли сайтлар ва ижтимоий тармоқлар орқали янги адабиётлар билан танишади.

Навбатдаги савол профессор-ўқитувчиларнинг хорижий адабиётлар билан ишлашида тил устуворлигини аниқлашга қаратилди. “Соҳангизга оид қайси хорижий тилдаги адабиётлардан фойдаланасиз?” деган кўп танловли саволга респондентларнинг 39,2 фоизи “рус тили”, 35,6 фоизи “рус ва инглиз тили”, 6,1 фоизи “инглиз тили”, 5,3 фоизи “рус, инглиз ва бошқа тил”, 2,6 фоизи “рус тили ва бошқа қардош тил” 2 фоизи “қардош

Соҳангизга оид қайси хорижий тилдаги адабиётлардан фойдаланасиз?




тил”, 0,9 фоизи “рус, инглиз ва немис тили”, 2,5 фоиз респондент хорижий тиллардаги адабиётлардан фойдаланмаслигини билдирган.

Натижалар профессор-ўқитувчиларнинг асосан рус ва инглиз тилида нашр этилган хорижий адабиётлар билан кўпроқ ишлашни кўрсатмоқда.

Бироқ, юқоридаги савол натижаларининг ҳаққонийлигини текшириб кўришга зарурат пайдо бўлганлиги туфайли респондентларга “Хорижий тилдаги илмий ва ўқув адабиётларидан фойдаланишингизда қандай тўсиқлар мавжуд?” деган яна бир кўп танловли савол билан мурожаат қилинди. Ушбу саволга респондентларнинг 43 фоизи “бу борада мен учун ҳеч қандай тўсиқ мавжуд эмас”, 40 фоизи “хорижий тилларни билиш билан боғлиқ муаммо”, 9 фоизи “мен ишлаётган ОТМ кутубхонасида хорижий адабиётлардан фойдаланиш имконияти йўқ”, 5,5 фоизи “интернетдан бундай манбаларни қидириб топишга қийналаман”, 5,5 фоизи эса “вақтнинг етишмаслиги” деган жавобни берган. Натижалар аввалги савол натижаси билан фарқли ҳолатни кўрсатди. Аввалги саволда бор-йўғи 2,5 фоиз респондент хорижий адабиётлардан фойдаланмаслигини билдирган бўлса, мазкур саволда 40 фоиз респондент хорижий тилларни билиш билан боғлиқ муаммо мавжудлигини ва бу хорижий адабиётлар билан ишлашда тўсиқ бўлаётганини маълум қилган.


Хорижий тилдаги илмий ва ўқув адабиётларидан фойдаланишингизда қандай тўсиқлар мавжуд?



Умуман, жавоблардан маълум бўлмоқдаки, профессор-ўқитувчиларнинг хорижий тиллардаги ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланишида энг катта тўсиқ – бирор хорижий тилни билмаслиқдир.

Навбатдаги савол профессор-ўқитувчиларнинг касбий камолоти учун зарур бўлган адабиётлар билан ишлашининг миқдорий кўрсаткичини

Профессионал ривожланиш учун ўзингиз ҳар ойда қанча ҳажмда китоб, материал ўқийсиз?



аниқлашга қаратилди. “Профессионал ривожланиш учун ўзингиз ҳар ойда қанча ҳажмда китоб, материал ўқийсиз?” саволига профессор-ўқитувчиларнинг 42,6 фоизи “бир ойда 1 та китоб ва 1-2 та илмий мақола”, 29,3 фоизи “бир ойда 2 та китоб ва 3-4 та мақола”, 13,7 фоизи “бир ойда 3 та китоб ва 5-6 та мақола”, 11,5 фоизи “бир ойда 4 тадан ортиқ китоб ва 7-8 та мақола” деган жавобни берган бўлса, 2,9 фоизи эса аниқ жавоб бера олмаслигини билдирган.

Ўзингизнинг янги адабиётлар билан ишлаш бўйича фаоллигингизни қандай баҳолаган бўлар эдингиз? (10 баллик шкала бўйича баҳоланг)



Демак, профессор-ўқитувчиларнинг қарийб ярми бир ой давомида 1 та китоб ва 1-2 та илмий мақола ўқийди. Ҳар тўртта педагог-ҳодимнинг фақат биттаси адабиётлар билан ишлашда ўртача даражадан юқорироқ бўлган фаолликни намоён этади.

Кейинги савол профессор-ўқитувчиларнинг янги адабиётлар билан ишлаш фаоллиги бўйича ўзини ўзи баҳолашга қаратилди. “Ўзингизнинг янги адабиётлар билан ишлаш бўйича фаоллигингизни қандай баҳолаган бўлар эдингиз?” деган саволга 21,6 фоиз респондент “аъло”, 44,1 фоизи “яхши”, 25,1 фоизи “қониқарли”, 9,1 фоизи эса “қониқарсиз” деган жавобни берган.

Демак, 65 фоиздан кўпроқ профессор-ўқитувчи ўзларининг янги адабиётлар билан ишлаш фаоллигини юқори баҳолайди. Ҳар ўн битта профессор-ўқитувчидан бири бу борада ўз фаолиятдан қониқмайди.

Тадқиқот натижасида талабалар ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг адабиётлар билан ишлаш фаолиятида қуйидаги ижобий жиҳатлар кузатилди:

– Талабалар ОТМ ахборот-кутубхоналар фаолиятини юқори баҳоламоқда. Қарийб 75 фоиз талаба ахборот-кутубхона марказлари фаолиятига “аъло” ва “яхши” баҳосини бермоқда. Умумий талабаларнинг 92 фоиздан ортиғи кутубхоналар фаолиятдан қониқиш ҳосил қилаётганини билдирган. Албатта, бу талабаларнинг субъектив баҳосига асосланган қиймат ва бошқа натижалар билан ҳам тескари алоқага эга. Чунки талабаларнинг чорак қисми кутубхонага аъзо эмаслиги ва учдан бир қисми эса кутубхонага деярли бормаслигини ҳисобга олсак, берилган юқори баҳоларнинг маълум қисми ҳақиқий муносабатдан узилиб қолганини билдиради;

– Профессор-ўқитувчиларнинг тўртдан уч қисми (75 фоизи) дарсларда талабаларни янги нашр этилган ўқув ҳамда илмий адабиётлардан хабардор этиб боради. Бу тегишли ўқув курсларини янги ғоялар билан бойитиб, талабаларда билимларни муттасил янгилан бориш имконини бериши мумкин. Ўз навбатида, бу амалиёт интерфаол таълим технологиялари билан уйғун қўлланса, талабаларни фандаги ўзгаришлардан хабардор этиш билан бирга, маъруза ҳамда семинар дарсларини қизғин, баҳс-мунозараларга бой руҳда ўтишига шароит яратиши ҳамда таълим сифатини оширишда кутилган натижаларга олиб келиши мумкин;

– Талабаларнинг чорак қисми хорижий адабиётларни мунтазам ўқиб боради. Бунда сўнгги вақтларда ёшлар орасида хорижий тилларни ўрганишга интилишнинг тобора кучайиб бораётгани ҳамда тил сертификати эга талабалар салмоғининг ортиб бораётгани муҳим ўрин тутмоқда. Тўғри, бирор тилни ўзлаштириш ўз-ўзидан адабиётлар билан ишлашдаги фаолликнинг ортишига олиб келмайди, бироқ хорижий тилдаги адабиётлар билан танишиш учун албатта чет тилларини билиш асосий шарт ҳисобланади. Тадқиқот натижасига кўра, ҳозирда талабаларнинг 12 фоизи бирор бир хорижий тил сертификати эга ва бу кўрсаткич истиқболда фақат ортиб боришини олдиндан тахмин қилиш мумкин;

– Профессор-ўқитувчиларнинг ахборот-кутубхона марказларига аъзо бўлиш даражаси юқори. Бу маълум маънода профессор-ўқитувчиларнинг кутубхона билан мунтазам алоқада эканини тасдиқлайди. Жаҳон

амалиётида профессор-ўқитувчиларнинг касбий ўз-ўзини такомиллаштиришида кутубхонанинг ўрни муҳим эканидан келиб чиқсак, бу кўрсаткич таълим сифатининг ортишида ҳамда илмий ва ўқув-услубий тажрибанинг такомиллашиб боришида асосий ўрин эгаллаши мумкин;

– Профессор-ўқитувчиларнинг аксарияти янги нашр этилган ўқув ва илмий адабиётлар билан асосан интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқлар орқали хабардор бўлмоқдалар. Бу уларнинг интернет ресурслари билан ишлай олиш салоҳиятининг ортиб бораётганидан дарак беради.

Юқоридаги ижобий кўрсаткичлар билан бирга, қуйидаги баъзи камчиликлар, муаммолар, фойдаланилмаётган имкониятлар ҳам мавжудлиги аниқланди:

– Талабаларнинг ахборот-кутубхона марказига аъзолик даражаси юқори эмас. Уларнинг чорак қисми кутубхонага аъзо эмас, ҳар учта талабанинг бири эса кутубхонага деярли ташриф буюрмайди. Бу ҳолат талабаларнинг адабиётлар билан ишлаши ҳамда тегишли ўқув топшириқларини бажаришида ОТМ кутубхона-марказларининг ўрни етарли эмаслигини кўрсатмоқда;

– ОТМ ахборот-кутубхона марказларининг зарур адабиётлар билан таъминланганлик даражаси ҳам яхши ҳолатда эмас. Буни талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг муносабати ҳам кўрсатиб турибди. Ахборот-кутубхона марказларида етишмаётган зарур адабиётлар рўйхатини шакллантириш учун профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар фикрини ўрганиш механизми йўлга қўйилмаган. Бу борада социологик сўровлар ўтказилмайди. Мазкур муассасаларда зарур компетенцияларга эга бўлган олий маълумотли кутубхоначиларнинг етишмаётгани ҳам кутубхоналарнинг талаб ва эҳтиёжларни тўғри ҳисобга олиш имкониятларини камайтирмоқда;

– ОТМ ахборот-кутубхона марказларида ахборот ресурсларидан масофадан фойдаланиш хизмати ҳам қониқарли даражада эмас. Талабаларнинг фақат ярми бундай хизмат мавжудлигини таъкидламоқда. Бундай хизмат бор бўлса ҳам, талабаларнинг салмоқли қисми бундан хабардор эмас. Бу ахборот-кутубхона марказларининг имкониятлари борасида талабаларга тушунтириш ишлари етарли даражада олиб борилмаётгани билан ҳам боғлиқ. Шуниндек, ҳар учта профессор-ўқитувчидан бири ахборот-кутубхона марказларида хорижий ахборот-кутубхона ресурслари билан интеграция йўлга қўйилмаганини билдирмоқда. Амалда деярли барча ОТМларнинг ахборот-кутубхона марказлари Scopus, Science Direct ва EBSCO халқаро илмий маълумотлар

базаларига уланган бўлса-да, бу имкониятлар борасида ҳалигача профессор-ўқитувчилар тўлиқ маълумотга эга эмас;

– Талабаларнинг адабиётлар билан ишлашида ўқув ва илмий адабиётларнинг улуши етакчи ўринда эмаслиги маълум бўлмоқда. Талабаларнинг ўқув фаолиятида айнан мазкур адабиётлар бирламчи бўлиши керак. Натижалар эса бадий адабиётлар талабаларнинг ўқиш фаолиятида етакчилик қилаётганини кўрсатяпти. Албатта, умумий ҳолатда бу яхши, бадий адабиётларни мунтазам ўқиш талабаларнинг дунёқарашини кенгайтиради. Бироқ олий таълимда дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва илмий адабиётлар талабалар фаолиятида етакчи бўлиши зарур. Бундай устуворлик жаҳон ОТМларида меъёр сифатида тан олинган. Талабанинг академик муваффақияти унинг айнан ўқув ва илмий адабиётлар билан мунтазам ишлашини тақозо этади. Жорий ҳолат эса талабаларнинг ўқув фаолиятини ташкил қилиш ҳамда назорат қилиш етарли даражада эмаслигидан далолат беради;

– Профессор-ўқитувчиларнинг хорижий ўқув ва илмий адабиётлар билан ишлашида чет тилларини билмасликлари энг катта тўсиқ бўлмоқда. Профессор-ўқитувчиларнинг 40 фоизи айнан шу муаммо туфайли хорижий адабиётлардан фойдалана олмаслигини маълум қиляпти. Таълим ва фан соҳасидаги янги ғоялар, инновацион ишланмалар билан мунтазам танишиб бориш замонавий педагог-олимнинг касбий камолотида муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олсак, хорижий тилларни билмаслик эса мана шу имкониятни деярли йўққа чиқаради;

– Профессор-ўқитувчиларнинг илмий адабиётлар билан ишлаш фаоллиги қониқарли ҳолатда эмас. Уларнинг деярли ярми бир ойда 1 та илмий китоб ва 1-2 та мақола билан танишиб чиқишини маълум қилмоқда. Бу ҳар ойда 2-3 та илмий китоб ва 6-7 тадан кам бўлмаган илмий мақолалар билан танишиш қониқарли ҳолат сифатида қараладиган жаҳоннинг нуфузли университетларидан анча паст даражани намоён этмоқда. Шундай бўлса-да, ҳар 11 та профессор-ўқитувчидан фақат биттасигина ўзининг илмий адабиётлар билан ишлаш фаоллигини қониқарсиз баҳоламоқда. Аксарият профессор-ўқитувчилар ўзларининг адабиётлар билан ишлаш фаолиятини юқори баҳолаяпти ва бу уларнинг ўз устида мунтазам ишлашларига тўсиқ бўлмоқда.

ХОРИЖИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ВА ТАЖРИБА

Тадқиқот давомида талабалар ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг ўқув ва илмий адабиётлар билан ишлашдаги фаоллиги, бу борадаги mavjud муаммолар ва уларни ҳал этишга бўлган турли ёндашувларга оид хорижий тажриба ҳам таҳлил этилди. Бунда хорижда олиб борилган илмий тадқиқот натижалари ҳамда тажрибали профессор-ўқитувчиларнинг махсус таълим сайтларида билдирган фикр-мулоҳазалари ҳамда таклифлари ҳам ўрганилди. Ўрганишлардан маълум бўлишича, талабаларнинг ўқув ва илмий адабиётлар билан ишлашида иқтисодий ривожланган мамлакатлардаги ОТМлар ҳам қатор муаммоларни бошдан кечирмоқда. Бу борадаги энг асосий муаммо – **талабаларнинг адабиётлар билан ишлашдаги фаоллиги тобора пасайиб боришидир.**

Жаҳоннинг барча ОТМларида **дарсликлар билан мунтазам шуғулланиш академик муваффақият ҳамда таълим сифатининг гарови** сифатида қаралади ва шунинг учун ҳам ОТМ маъмурияти ҳамда профессор-ўқитувчилар талабаларни ўқув адабиётлари билан кўпроқ шуғулланишга ундайди. Бироқ қатор сабабларга кўра, талабалар белгиланган курсларни ўзлаштириш учун тавсия этилган ўқув ва илмий адабиётлар билан қутилган даражада ишламайдилар. Бу борада олиб борилган тадқиқотлар мазкур муаммо бир қанча сабабларга эга эканлигини кўрсатмоқда.

Масалан, **Швециянинг** учта йирик университетларида олиб борилган тадқиқотларга кўра, аксарият талабалар дарсликлар билан ишлаш ўзларининг академик муваффақияти учун зарур эканлигини таъкидлаган, бироқ уларнинг кўпчилиги амалда дарсликларни камроқ ўқишини, асосан ихчамроқ маъруза матнлари ҳамда маълумотномаларни маъқул кўришларини маълум қилган. Талабаларнинг кўпчилиги дарсликларни асосий манба эмас, балки дарсга тайёргарлик кўришнинг муқобил йўли сифатида қарайди. Дарслик ва ўқув қўлланмаларга устуворлик берган талабаларнинг ҳам аксарияти (53 фоиз) дарслиқдаги бобларнинг фақат кириш ва хулоса қисмларини ўқиш билан чекланишини маълум қилган. Тадқиқотнинг хулосасига кўра, талабаларнинг ўқув адабиётларига нисбатан **пассив муносабати кўпроқ таълим талабларига ҳамда дарс бераётган профессор-ўқитувчиларнинг ўқитиш методларига боғлиқ.** Швеция олий таълимида талабалардан давомат қатъий талаб этилади. Бироқ бу кўпинча талабалар томонидан дарсни ўзлаштиришнинг муҳим шarti эмас, балки ўзлаштиришга муқобил йўл сифатида қабул қилинади. Дарсларда тўлиқ иштирок этиш профессор-ўқитувчилар томонидан

талабага муайян балл қўшиб бериш орқали “мукофотлангани” сабабли талабалар белгиланган дарсликлар ва бошқа ўқув адабиётлари билан фақат якуний имтиҳонлар арафасидагина кўпроқ шуғуллана бошлайди. Бу эса курс мазмунини механик тарзда ўзлаштиришга олиб келиб, таълим сифатига салбий таъсир кўрсатади.

АҚШда олиб борилган қатор тадқиқот натижаларига кўра, ОТМ талабаларининг дарслик ва ўқув қўлланмаларидан фойдаланишларида **иктисодий омиллар кўпроқ роль ўйнайди**. АҚШ дарсликлар энг қиммат бўлган давлатлардан биридир. Айниқса, сўнгги ўн йил ичида АҚШ олий таълими дарсликларининг нархи 90 фоизга ошган. Масалан, **АҚШ Коллежлар Кенгашининг** маълумотларига кўра, 2017-2018 ўқув йилида талабаларнинг дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан боғлиқ харажатлари ўртача 1200 долларни ташкил этган. Бу рақам 2018-2019 ўқув йили учун 1400 долларни ташкил этди. Бунда ҳар бир дарсликнинг ўртача нархи 200 долларга тўғри келган. **“Morning Consult for Cengage”** таълим технологиялари ва хизматлари компанияси томонидан ўтказилаган сўровда респондентларнинг 17 фоизи дарсликлар нархи юқори бўлгани учун ўз йўналишини ўзгартирганини, 33 фоизи эса маълум бир ўқув курсларини ўқимаганини маълум қилган. Дарсликларнинг қимматлиги сабабли ўз таълим йўналишини ўзгартирган талабаларнинг 12 фоизи тиббиётни, 10 фоизи ижтимоий фанларни, 9 фоизи бизнесни ва 9 фоизи информатикани тарк этган. Мазкур сўровда иштирок этган талабаларнинг 43 фоизи дарсликларни сотиб олиш учун тез тез овқатланишни ўтказиб юборишини, 30 фоизи эса ўз уйига бориш харажатларидан воз кечишга мажбур бўлганини маълум қилган. Талабаларнинг 70 фоизи ўқув йили давомида китоблар сотиб олиш учун ишлаган, учдан бир қисми эса дарсликлар харажатини минималлаштириш учун камроқ ўқув курсларига рўйхатдан ўтган. Дарсликлар сотиб олишдан воз кечган талабаларнинг яри бунинг натижасида баҳолари пасайганини айтган.

Яқинда ўтказилган яна бир тадқиқотга кўра, пандемия натижасида юзага келган молиявий қийинчиликлар туфайли АҚШда талабаларнинг **65 фоизи қимматлиги сабабли дарслик сотиб олмаганини маълум қилган**. Пандемиядан аввал ҳам ҳолат яхши эмас эди, чунки 2019 йилда талабаларнинг **63 фоизи дарслик сотиб олишдан воз кечган**.

АҚШда дарсликлар ва ўқув қўлланмаларининг қимматлиги муаллифлик ҳуқуқининг қаттиқ ҳимоя қилиниши ва дарсликлар бўйича китоб бозорининг бир нечта йирик компаниялар томонидан монополия қилиб олингани билан боғлиқ. Университет ва коллежлар эгалик қилувчи китоб дўконлари ҳам ўқув адабиётлари нархини кескин тушира

олмайди. Баъзи иқтисодий салоҳияти юқори бўлган университетларгина китоб харажатларини субсидиялаш ҳисобига уларнинг нархини бироз минималлаштиришга эришадилар. Профессор-ўқитувчилар ҳам ўз ўқув курсларида талабаларга муаллифлик ҳуқуқи бузилган ҳолатда сайтларга жойлаштирилган ўқув адабиётларнинг электрон шаклларини тавсия этмайдилар.

АҚШ олий таълимида дарслик ва бошқа ўқув адабиётларнинг қимматлиги сабабли профессор-ўқитувчилар ўз ўқув курслари учун зарур бўлган адабиётларни **очиқ таълим ресурслари (OER)** таркибидан танлаши мумкин. Бундай ресурслар ўқув адабиётларидан бепул фойдаланиш ва уларни тарқатиш ҳуқуқини беради. Масалан, АҚШда **Openstax** (openstaxcollege.org), **Saylor Foundation** (saylor.org) va Вашингтон штатининг **Очиқ Курслар кутубхонаси** (opencourselibrary.org) каби очиқ таълим ресурслари платформалари фаолият олиб боради.

АҚШда профессор-ўқитувчилар ўз ўқув курсларида ўқув адабиётларини тавсия қилишда академик эркинликка эга. ОТМ маъмурияти фақат профессор-ўқитувчиларга сифатли, арзонроқ нарҳдаги ва топиш имкони осонроқ бўлган бўлган дарсликларни курс дастури (силлабус) га киритишни тавсия қилиши мумкин. Ўз муаллифлигидаги дарсликка эга бўлган профессор-ўқитувчиларга кўпроқ академик эркинлик берилади. Одатда уларга ОТМ китоб дўконлари орқали нашр этилган дарсликларини талабаларга сотишга рухсат берилади. Дарсликлар ёзиш профессор-ўқитувчига моддий фойдадан кўра кўпроқ академик нуфуз беради. Кўпроқ кредитга эга ва каттароқ қамровдаги ўқув курслари асосан шу курс бўйича муаллифлик дарсликларига эга бўлган профессор-ўқитувчиларга берилади. Танлов фанларида ҳам мазкур жиҳат катта устунлик беради. Дарслик агар академик доирада тан олинган бўлиб, унинг таркиби қанчалик баҳс-мунозарага бой креатив ғоялардан иборат бўлса, талабалар ушбу профессор-ўқитувчининг ўқув курси учун рўйхатдан ўтишга, таниқли профессор билан дарсларда қизғини баҳс-мунозараларга киришишга ошиқади. Албатта, бу профессор-ўқитувчи учун яхшигина моддий ва маънавий рағбат келтириши мумкин.

Умуман, АҚШ университетларида профессор-ўқитувчилар томонидан ўқув курси учун адабиётларни тавсия қилиш тартиби бир хил эмас. Масалан, **Виржиния Политехника Институти** ҳамда **Виржиния Давлат Университетида** профессор-ўқитувчилар томонидан ёзилган ва талабалар томонидан сотиб олиш учун мўлжалланган материаллар тегишли факультет (бўлим) ва университет даражасидаги қўмиталар томонидан тасдиқланмаса, ўқув курсида фойдаланиш учун киритилиши

мумкин эмас. **Миннесота университети** профессор-ўқитувчилари кафедра мудирининг рухсатисиз талабаларга дарсликларни тавсия эта олмайди. **Жанубий Юта университетиди** кафедра мудир ва декани профессор-ўқитувчилар томонидан ёзилган материалларни тасдиқлаши керак. **Кливленд давлат университетиди** факультет қўмитасининг розилиги талаб қилинади. **Шимолий Дакота давлат университети** ва **Шимолий Техас университети** профессор-ўқитувчилари дарсликларни кафедра қўмитасининг розилиги билан тавсия қилади. Битта университетнинг турли кафедралари ҳам ўқув адабиётларини тавсия қилишда мустақил сиёсат олиб бориши ҳам мумкин. Масалан, **Case Western Reserve университетининг** Неврология кафедраси сиёсатиға кўра, резидентурада таҳсил олаётган талабаларга кафедра муаллифлигида нашр этилган дарсликлар бепул берилади.

АҚШда профессор-ўқитувчилар томонидан ўз дарсликлари ва ўқув қўлланмаларини талабаларга тавсия қилишда муайян ахлоқий чегарадан ташқарига чиқмаслик турли касбий уюшмалар томонидан ҳам тарғиб қилинади. Масалан, **Америка Сиёсатшунослик Ассоциацияси** ўзининг касбий ахлоқ кодексида *“ўқитувчилар талабалар фойдаланиши учун материалларни танлашда ахлоқий мажбуриятга эга”* деб белгилаб қўйган. **Америка Социология Ассоциацияси** ҳам худди шундай позицияни эгаллайди: *“социологлар молиявий ёки бошқа манфаатдорлигидан қатъи назар, фақат таълим мезонлари асосида дарсликлар, курслар мазмуни, курс талаблари ва баҳолаш бўйича қарорлар қабул қиладилар”*. **Америка Университет профессорлари ассоциацияси (AAUP)**нинг касбий этика бўйича баёнотида бу масалада алоҳида мурожаат қилинган. Баёнот профессор-ўқитувчиларни талабаларнинг *“ҳар қандай эксплуатациясига йўл қўймаслик”*га чақиради. Бундан келиб чиқадики, профессорлар ўқитувчи ролиға хос бўлган ваколатлари орқали талабалардан фойдаланмасликлари керак.

АҚШда профессор лавозимидаги ўқитувчи 8 соатлик иш куниди ўз мутахассислиги ва тадқиқот йўналишиға оид илмий адабиётларни кўриб чиқиш учун ўртача 2 соат вақт ажратади. Чунки ОТМ маъмурияти билан тузилган меҳнат шартномасида профессор-ўқитувчининг илмий тадқиқот ишлари ҳақ тўланадиган иш юкламаси сифатида алоҳида ўрин тутати. Айниқса, **тадқиқотчи-профессор лавозими** учун тадқиқот ишлари умумий иш юкламасининг тўлиқ ҳажмини ташкил этади. Улар иш фаолиятини асосан илмий тадқиқотларға қаратади. Университет томонидан амалға оширилаётган грант-лойиҳаларида тўлиқ иштирок этади. **Педагог-профессорлар** эса асосан ўқитиш фаолияти билан

шуғуллангани учун уларнинг иш юкламасида дарс соатлари катта улушга эга бўлади. Шундай бўлса-да, педагог-профессорлар ҳам педагогик фаолиятини илмий тадқиқот ишлари билан уйғун ҳолатда олиб борадилар. Аудитория соатларининг нисбатан камлиги ҳам уларнинг илмий адабиётларни мунтазам ўқиб боришига ҳамда ўз тадқиқотларини амалга оширишларига имконият беради.

АҚШ олий таълимида талабаларни ўқув курсига бириктирилган ўқув адабиётлари билан мунтазам шуғулланиши учун тез-тез ўтказилиб туриладиган **тест ва ёзма назоратлар** муҳим ўрин тутаети. Бундай назоратлар тавсия этилган дарсликларнинг аниқ белгиланган қисмлари бўйича ташкил этилгани боис талабалар дарсликларни ўқиб чиқишга мажбур бўлати. Шу тариқа талабаларнинг академик муваффақиятга эришиши кўп жиҳатдан дарсликлар билан ишлашларига боғлиқ бўлиб қолати.

Германия олий таълимида профессор-ўқитувчиларнинг ўқув курслари бўйича адабиётларни тавсия этиш тартиби АҚШдагидан фарқ қилади. Германия университетларида ўқув курслари бўйича тавсия этиладиган дарсликлар қатъий ўринга эга эмас. Профессор-ўқитувчилар ўқув курсининг бошланишида талабаларга керакли адабиётлар библиографиясини тақдим қилади. Унда асосий дарслик деган нарса йўқ. Бунинг ўрнига профессор ўз маъруза матнларини ва кутубхонада мавжуд бўлган ўқув адабиётларини тавсия қилади. Одатда ОТМ кутубхонасида ушбу адабиётларнинг кўплаб нусхалари мавжуд бўлати, шу боисдан ҳам талабаларнинг китоб сотиб олишига зарурат туғилмайди.

Германия университетларида профессор-ўқитувчи ўқув курси бўйича адабиётларни тавсия этишда кафедра мудири тасдиғидан ўтказаети. Тавсия этилган адабиётлар рўйхати америка тизимидан кўра кўпроқ хилма-хилликка эга. Бу рўйхат орасида илмий мақолалар ҳам катта ҳажмни эгаллайди. Профессорларнинг маърузалари дарсликка эмас, балки турли манбалардан олинган маълумотларнинг чуқур таҳлилига асослангани учун талабаларнинг ҳар бир маърузани ўтказиб юбориши кўп нарсани йўқотишга олиб келиши мумкин. Бунинг дарсликларни ўқиш билан қоплаб бўлмайди. Шу боис ҳам Германия университетларида талабалар дарс қолдирмасликка кўпроқ ҳаракат қиладилар. Дарсларда **профессор-ўқитувчилар кўпроқ муаммоли масалалар тўпламларига катта эътибор қаратади**, бу эса талабаларни дарсликлардан ташқарида бўлган кўплаб академик материалларни ўқиб чиқишга мажбур қилади. Шунингдек, профессор-ўқитувчилар АҚШдагидек бошланғич курс талабалари учун дарсликни асосий манба қилиб олмайди ва биринчи семестрданоқ оғир

академик маърузаларни бошлаб юборадилар. Шундай қилиб, Германияда талабалар америкаликлардан эртароқ тадқиқот соҳасига олиб кирилади.

Германия олий таълимида талабаларнинг ўқув ва илмий адабиётлар билан ишлаши АҚШдагидек қатъий назорат қилинмайди. Тез-тез ўтказилиб туриладиган назорат ишлари ҳам мавжуд эмас. Талабанинг баҳоси асосан якуний имтиҳонлар билан белгиланади. Германияда университет профессорлари кўпроқ талабалар билан ишлагани сабабли алоҳида маслаҳат учрашувларини ташкил қилиши қийин. Бунинг учун вақт етишмайди ва бу талабаларнинг профессорлар билан бўладиган ҳар қандай контакт соатларидан унумли фойдаланишга мажбур қилади. Шундай бўлса-да, талабалар бирор бир мавзу юзасидан адабиётларни тавсия қилиш борасида профессорнинг электрон почтасига хабар юбориши ва керакли тавсияларни олиши мумкин.

АҚШ ва кўплаб Европа мамлакатларида талабаларнинг ўқув ва илмий адабиётлар билан ишлашларида кутубхоналарнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Бир қатор тадқиқотлардан маълум бўлишича, талабаларнинг ўқув курсини муваффақиятли ўзлаштириши уларнинг кутубхоналарга кўпроқ ташриф буюриши билан тўғридан-тўғри ижобий корреляцияга эга. Мисол тариқасида Британиянинг **Ньюкасл университети**да ўтказилган тадқиқотни кўриб чиқайлик. Унга кўра, университет талабаларининг **92 фоизи** ОТМ кутубхонасига аъзо (*бизда бу 73,9 фоизни ташкил этди*), уларнинг **49 фоизи** кутубхонадан *ҳафтасига 1 марта* (*бизда бу 26 фоизни ташкил қилди*), **16 фоизи** 2 марта (*бизда 18 фоиз*), яна **16 фоизи** икки ҳафтада 1 марта, **11 фоизи** эса бир ойда бир марта фойдаланади (*бизнинг тадқиқотимизга кўра талабаларнинг қарийб 33 фоизи кутубхонага деярли бормайди*). Кутубхонага ташриф буюрувчи талабаларнинг **34 фоизи** дарслик ва ўқув қўлланмалардан (*бизда шунча қисми бадиий китоблардан фойдаланади*), **24 фоизи** интернет хизматларидан фойдаланган. Тахминан **18 фоиз** талаба монография ва журналлардаги илмий мақолаларни мутолаа қилиш учун (*бизда бу қарийб 11 фоиз*), **13 фоизи** эса бадиий китобларни муайян муддатга олиб туриш учун (*бизда 34 фоиз*) ташриф буюрган. Талабаларнинг **5 фоизи** газета ўқиш, **3 фоизи** дўстлари билан учрашиш ва муайян гуруҳ шаклидаги лойиҳаларини бажариш, **2 фоизи** эса кутубхонадаги нусха кўчириш хизматларидан фойдаланиш учун ташриф буюрган. Шунингдек, кутубхонага мунтазам ташриф буюрувчиларнинг ўртача диплом бали (GPA) ҳам кам ташриф буюрувчиларга қараганда сезиларли даражада юқори бўлгани аниқланди.

Маълум бўлмоқдаки, британиялик талабаларнинг кутубхона билан алоқа ўрнатиш даражаси биздан сезиларли даражада юқори. Британия

университетлари талабаларининг ўқиш фаолиятида ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш бошқа ноакадемик адабиётларга нисбатан яққол устунликка эга. Бунда профессор-ўқитувчиларнинг ўқув курсларида бир нечта (одатда 2-3 та) зарур адабиётларни тавсия қилиши ва талабаларни ушбу адабиётлар билан ишлашни қатъий назорат қилиши муҳим ўрин тутати. Шу билан бирга, **академик кутубхоналарнинг зарур адабиётлар билан тўлиқ таъминлангани** ва **академик хизматларнинг юқори даражада ташкил этилгани** ҳам Британия университетларида талабаларнинг кутубхона билан мунтазам алоқасини таъминлайди.

Яна бир тадқиқотга мурожаат қиламиз. Бир гуруҳ олимлар томонидан ҳамкорликда ўтказилган социологик тадқиқотда **АҚШ, Хитой ва Япониядаги** университет талабаларининг ўқув фаолиятида кутубхоналарнинг ўрни қиёсий таҳлил қилинган. Мазкур тадқиқотда **АҚШдан Кентукки университети, Хитойдан Гонгконг университети ва Япониядан Цукуба университети** танлаб олинган ҳамда уларда таҳсил олаётган талабаларнинг индивидуал ва жамоавий вазифаларни амалга оширишида университет кутубхоналарининг ўрни ўрганилган.

Тадқиқот натижаларига кўра, АҚШ талабаларининг **63 фоизи**, Хитой талабаларининг **43 фоизи**, Япония талабаларининг атиги **16 фоизи** ўқишга, оралиқ ва якуний назоратларга тайёрланиш учун университет кутубхонасини афзал билганлар. Сўровда кутубхонага муқобил сифатида аудитория хоналари, кутубхона-кафелар, яшаш жойи ва бошқа жавоблар ҳам бор эди. Гуруҳ бўлиб ишлашга йўналтирилган мустақил ишларни бажаришда **Гонгконг университети** талабаларининг **63 фоизи**, **Кентукки университети** талабаларининг **40 фоизи**, **Цукуба университети** талабаларининг **34 фоизи** университет кутубхонасидаги гуруҳ муҳокамаси хоналарини афзал кўрганлар. Натижалардан маълум бўлмоқдаки, АҚШ ва Хитой университетларида талабалар индивидуал ва жамоавий топшириқларга кўпроқ университет кутубхоналарида тайёрланадилар. Япония талабаларининг ўқув фаолиятида эса кутубхоналарнинг ўрни ниҳоятда заиф. Улар асосан дарсдан ташқари ўқув фаолиятини ўзларининг яшаш жойларида ва кутубхона-кафеларда амалга оширади. Бундан япониялик талабаларнинг дарсларни ўзлаштириш даражаси америкалик ва хитойлик сафдошларидан пастлиги ҳақидаги хулосага келиш керак эмас. Чунки ахборот технологияларининг ривожланиши ва талабалар томонидан бундай имкониятлардан кенг фойдаланиш ҳам талабаларнинг кутубхоналарга бўлган эҳтиёжларини камайтириши мумкин.

Ҳозирги даврда талабаларнинг ўқув ва илмий адабиётлар билан ишлашида академик кутубхоналарнинг замонавий тенденцияларга

мослашиши зарур бўлиб бормоқда. Чунки маълумот олиш имкониятининг ниҳоят даражада кенгайиши ва очиқ таълим ресурсларининг кўпайиши академик кутубхоналарнинг “билимлар маркази” сифатидаги анъанавий ролини сақлаб қолишини қийинлаштирмоқда. Натижада, кўплаб университетларнинг кутубхоналари аввалги гавжум муҳитини йўқотиб тобора ҳувиллаб бормоқда. Бу, ўз навбатида, бошқа бир муаммони келтириб чиқаряпти. Талабаларнинг мустақил тарзда интернет ресурслари орқали дарсларга тайёргарлик кўришида маълумотларни саралаш билан боғлиқ ахборот саводхонлигининг етишмаслиги кўпинча уларнинг кенг ахборот муҳитида “ботиб қолишига” олиб келяпти. Кўпчилик давлатларда университет кутубхоналари мазкур муаммони ҳал этиш учун ахборот саводхонлиги бўйича маслаҳат курсларини таклиф қилмоқда. Академик кутубхоналарни юқори салоҳиятли кадрлар билан таъминлаш учун университетларнинг ўзлари “Кутубхона ва ахборот фанлари” бўйича бакалавр ҳамда магистр даражасидаги кадрларни тайёрлаш йўлига ўтган. Масалан, АҚШда бакалавр даражасидаги кутубхоначилар одатда мактабларда ёки кичикроқ кутубхоналарда фаолият олиб борса, магистр даражасига эга кадрлар эса федерал кутубхоналар ҳамда университет кутубхоналарида иш юритади. АҚШнинг ўзида кутубхоначилик билан алоқадор бўлган 60 дан ортиқ дастурлар мавжуд. Бундай кадрларни тайёрлаш бўйича жаҳондаги энг машхур университетлар қаторига **Сиракуза университети, Гумбольд университети, Алабама университети, Денвер университети** ва бошқаларни киритиш мумкин. Академик кутубхоналарни юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш талабалар ҳамда профессор-ўқитувчилар учун юқори даражадаги академик хизматларни йўлга қўйишга қаратилган ОТМ сиёсатининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Умуман, ОТМларда талабалар ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг адабиётлар билан ишлашини самарали ташкил қилиш ҳамда бу борадаги мавжуд муаммоларни ҳал қилиш бўйича **хорижий амалиётда қуйидаги ижобий жиҳатлар яққол ажралиб туради:**

– олий таълим муассасаларида талабаларнинг дарслик ва ўқув қўлланмалардан фойдаланишларини осонлаштириш ҳамда тегишли ўқув курси предметини самарали ўзлаштиришларини таъминлаш учун тавсия этиладиган адабиётларнинг миқдорига эмас, балки сифатига асосий эътибор қаратилади. Бунинг учун бир ўқув курсидан ўртача 2-3 та ўқув адабиёти ўқув курси силлабусига киритилади (АҚШ, Б.Британия);

– талабаларнинг ўқув адабиётларини сотиб олишидаги қийинчиликларни бартараф қилиш ва уларни бепул адабиётлар билан

таъминлаш мақсадида очик таълим ресурслари (OER)ни кенгайтиришга ҳаракат қилинмоқда. Профессор-ўқитувчиларнинг ўз муаллифлигидаги дарсликлардан талабаларни эксплуатация қилиш орқали моддий манфаат кутишлари профессионал ҳамда академик уюшмалар томонидан қаттиқ қораланади (АҚШ);

– ўқув курсларида тавсия этиладиган адабиётлар библиографиясини тузишда университет кутубхонасида мазкур адабиётларнинг мавжудлиги эътиборга олинади. Агар кутубхонада бу адабиётлар йўқ бўлса, тавсия этилмайди (Германия);

– талабаларга улар таҳсил олаётган университет кафедралари томонидан ташр этилган ўқув адабиётлари бепул тарқатилади. Нашр харажатлари университет томонидан молиялаштирилади (АҚШнинг айрим университетлари, масалан Case Western Reserve университети);

– профессорларнинг дарсликлар ёзишида моддий манфаатдорликдан кўра академик нуфуз асосий мотив ҳисобланади. Ўқув курслари асосан дарслик муаллифи бўлган профессорларга берилади. Талабалар ўқув курсини танлашда кўпроқ таниқли дарсликлар муаллифи бўлган профессорларга эътибор қаратишади (АҚШ);

– профессор-ўқитувчилар талабаларга ўқув адабиётларини тавсия қилишда кўпроқ муаммоли масалалар тўпламларига эътибор қаратади. Талабалар мазкур муаммоли масалаларга ечим топиш учун кўплаб академик материалларни ўқиб чиқишга мажбур (Германия);

– талабаларнинг академик дарсликлар билан ишлашларига шароит яратиш мақсадида университет кутубхоналарини зарур адабиётлар билан тўлиқ таъминлашга ва академик хизматларни юқори даражада ташкил этишга аҳамият берилади. Академик кутубхоналарда талабаларнинг жамоавий лойиҳалар устида ишлашлари учун алоҳида муҳокама хоналари ташкил этилиб, зарур ахборот технологиялари билан жиҳозланади (Б.Британия, АҚШ, Хитой);

– талабаларнинг академик адабиётлар билан ишлашларида эркин ижодий муҳит яратиш мақсадида университет кампуси доирасида кутубхона-кафелар ташкил қилишга катта эътибор қаратилади. Университет кутубхоналари маъмурияти томонидан талабаларга ўзлари билан бирор егулик олиб киришларига чеклов қўйилиши (егулик қолдиқлари зараркунадаларни жалб қилиши натижасида кутубхона фондига зарар етказилиши эҳтимолининг мавжудлиги нуқтаи назаридан) мана шундай эркин муҳитга эҳтиёжни юзага келтиради (АҚШ, Б.Британия, Япония);

– ОТМ кутубхоналари томонидан зарур адабиётларга талаб ва эҳтиёжларни ўрганиш ҳамда шу асосда кутубхонанинг адабиётлар

фондини зарур китоблар билан тўлдириб бориш мақсадида талабалар ва профессор-ўқитувчилар орасида мунтазам сўровлар ўтказиб боради (Б.Британия, АҚШ, Германия);

– талабаларнинг академик адабиётлар билан ишлашни мониторинг қилиб бориш, бу масалада мавжуд муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилишга қаратилган тадқиқотлар учун давлат томонидан грантлар ажратилади (АҚШ, Б.Британия);

– ОТМ кутубхоналарида талабалар учун юқори даражада академик хизматлар кўрсатиш учун зарур компетенцияга эга мутахассислар тайёрлашга катта эътибор қаратилади. Кўплаб университетларда кутубхона ва ахборот фанлари бўйича магистр даражасидаги мутахассислар тайёрланади (Сиракуза, Гумбольд, Алабама, Денвер университетлари ва ҳ.к.).

ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, олий таълимда адабиётлар билан ишлашни самарали ташкил этиш учун қуйидагилар тавсия этилади:

1) ОТМларда талабаларнинг дарслик ва ўқув қўлланмалардан фойдаланишларини осонлаштириш ҳамда тегишли ўқув курси предмети самарали ўзлаштиришларини таъминлаш учун тавсия этиладиган адабиётларнинг миқдорига эмас, балки сифатига асосий эътиборни қаратиш зарур. Бунинг учун бир ўқув курсидан ўртача 2-3 та зарур ўқув адабиёти кафедра муҳокамасидан ўтказилгандан сўнг ўқув курси силлабусига киритилиши мақсадга мувофиқ. Бунда ўқув адабиётларининг ОТМ ахборот-кутубхона марказида мавжудлиги эътиборга олиниши керак;

2) Талабаларнинг ўқув курсларида тавсия этилган ўқув адабиётлари билан мунтазам ишлашни таъминлаш учун оралиқ ҳамда якуний назоратлар қатъий тарзда тавсия этилган адабиётлар доирасида ўтказилиши керак. Бунда, айниқса, тест шаклида ўтказиладиган назорат ишлари мазкур адабиётлар доирасида бўлиши шартлиги алоҳида белгилаб қўйилиши зарур. Чунки талаба тавсия этилган адабиётдан назорат ишлари саволлари тушиши ёки тушмаслигига қараб уни ўқиб чиқади;

3) Талабаларнинг ўқув адабиётлари билан тўлиқ таъминлаш учун очиқ таълим ресурслари (ОТМ талабалари учун адабиётларни олиб ўқиш мумкин бўлган электрон платформа)дан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш зарур. Очиқ таълим ресурсларини нашр этилаётган янги



дарслик ва ўқув қўлланмалари билан мунтазам бойитиб боришга эътиборни кучайтириш мақсадга мувофиқ;

4) Дарслик ва ўқув қўлланмалар сифатини тубдан такомиллаштириш, бунинг учун эса ривожланган давлатларнинг дарсликлар бўйича стандартларини жорий қилиш керак. Дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлашда фақат тайёр фикр-ғоялар баёни эмас, балки талабаларни қизиқтирадиган, амалий муаммолар билан алоқадор масалалар бўйича кейс ва казусларни киритиш талабларини киритиш лозим;

5) Олий таълимда дарсликлар нашр этиш ҳолатининг ўта заиф эканлигини эътиборга олиб, профессор унвонини олишда яққа муаллифлик асосида тегишли мутахассислик бўйича дарслик ёзиш талабини жорий қилиш зарур. Дарсликни нашр этиш учун олий таълим муассасалари томонидан моддий кўмак кўрсатилиши мақсадга мувофиқ;

6) Янги нашр этилган хорижий ўқув адабиётларини ўзбек тилига таржима қилишга эътиборни кучайтириш, бунинг учун эса янги нашр этилган хорижий дарслик таржима қилишни доцент илмий унвонини олишдаги ўқув қўлланма нашр этишга муқобил талаб сифатида киритиш лозим;

7) Ахборот-кутубхона марказларида етишмаётган адабиётлар рўйхатини шакллантириш ҳамда академик хизматларни йўлга қўйиш учун профессор-ўқитувчилар ҳамда талабаларнинг фикрини мунтазам ўрганиб бориш механизминини жорий қилиш керак. Буни НЕМИС платформаси ёки ОТМ веб-сайтида ҳам ташкил этиш имконияти мавжуд;

8) Олий таълим муассасаларини зарур компетенцияларга эга бўлган олий маълумотли кутубхоначилар билан таъминлаш, бундай мутахассисларга бўлган талабни қондириш учун Республика олий таълим

муассасаларида “Кутубхона-ахборот фаолияти” ихтисослигида кадрлар тайёрлаш квоталарини ошириш лозим;

9) ОТМ ахборот-кутубхона марказларида талабаларнинг биргаликда гуруҳ лойиҳаларини бажариши учун алоҳида муҳокама хоналарини жорий қилиш ва уларни замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозлаш лозим. Чунки бундай имкониятнинг мавжуд эмаслиги таълим сифатини оширишда муҳим ўрин тутган лойиҳавий ўқитиш технологияларининг кенг қўлланилишига имкон бермайди;

10) Талабаларнинг ўқув ва илмий адабиётлар билан ишлашида қулайлик ва эркинлик муҳитини яратиш учун ОТМ ҳудудида давлат-хусусий шерикчилиги асосида кутубхона-кафелар фаолиятини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ;

11) АҚШ тажрибаси асосида профессор-ўқитувчиларнинг академик фаоллигини ошириш мақсадида уларнинг умумий иш юкларига илмий тадқиқот ишларини алоҳида ҳақ тўланадиган фаолият сифатида киритиш керак. Бунда илмий тадқиқот ишларини ҳисобга олишда нуфузли илмий маълумотлар базасида рўйхатга олиниши мезон сифатида белгиланиши зарур;

12) Профессор-ўқитувчилар орасида хорижий тилларни ўзлаштириш даражасининг пастлиги ва бу ҳолат уларнинг хорижий адабиётлар билан ишлаш борасидаги фаолиятига салбий таъсир қилаётганидан келиб чиқиб, ОТМга ишга қабул қилишда хорижий тилларни билиш талабини қатъий белгилаш керак;

13) Талабалар орасида тадқиқотчиликка бўлган қизиқишни ошириш ҳамда уларнинг бу йўналишдаги фаолиятини рағбатлантириш мақсадида нуфузли илмий маълумотлар базаларида рўйхатга олинган журналларда мақола эълон қилган талабаларни имтиёзли тарзда магистратурага қабул қилиш амалиётини жорий қилиш лозим.

ХУЛОСА

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, олий таълим жараёнида талабалар ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг адабиётлар билан ишлашани самарали ташкил қилиш мазкур масалага комплекс ёндашишни тақозо этади. Бу дарс жараёнини тўғри ташкил этишдан тортиб кутубхоналар фаолиятини янада такомиллаштириш, талабаларни адабиётлар билан ишлашга кучли рағбат ҳосил қилувчи инновацион хизматларни жорий қилиш ҳамда ўқув адабиётларини нашр қилишда бевоқиф амалиёт билан боғлиқ бўлган муаммоли масалаларга ҳам кенг ўрин ажратиш каби бир қатор омиллар билан белгиланади. Ҳар бир олий таълим муассасаси раҳбарияти ҳамда профессор-ўқитувчилар бу масалага алоҳида эътибор қаратиши зарур, чунки олий таълимнинг сифати, биринчи навбатда, талабалар ҳамда профессор ўқитувчиларнинг адабиётлар билан ишлашдаги фаоллигига боғлиқ. Бусиз олий таълимни ривожлантиришга қаратилган ҳар қандай чора-тадбирлар ўз қийматини йўқотади.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, олий таълимда адабиётлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш ушбу фаолиятни муттасил тарзда мониторинг қилиб бориш, сўровлар ўтказиш ва юзага келатган муаммоларни аниқлаш каби илмий ёндашувдан келиб чиқувчи ташкилий вазифаларни ҳам талаб этади. Бусиз адабиётлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги ҳар қандай фаолият реал амалиётдан узилиб, самарасиз ҳаракатга айланиб қолади. Шу сабабдан ҳам олий таълимда талабалар ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг ўқув ва илмий адабиётларга бўлган муносабатини тубдан яхшилаш илмий асосларда ташкил этилмоғи лозим.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Тадқиқот ва таҳлил.....	4
Хорижий тадқиқотлар ва таҷриба.....	18
Таклиф ва тавсиялар.....	27
Хулоса.....	30

Услубий нашр

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА АДАБИЁТЛАР
БИЛАН ИШЛАШНИ САМАРАЛИ
ТАШКИЛ ЭТИШ

Методик қўлланма

Муҳаррир
А.Тилавов

Мусаҳҳиҳ
А.Абдужалилов

Саҳифаловчи
О.Исмаилов

Техник муҳаррир
Н.Мирпўлатова

Нашлиц. № АI 245, 02.10.2013.

Теришга 09.01.2023 йилда топширилди. Босишга
18.01.2023 йилда рухсат этилди. Бичими: 84x108 1/32.

Офсет босма. "Latto" гарнитураси. Шартли б.т. 1,68.

Нашр б.т. 1,0. Адади 250 нусха. Буюртма №119.

Баҳоси шартнома асосида

«Sano-standart» нашриёти, 100190, Тошкент шаҳри,
Юнусобод-9, 13-54. E-mail: sano-standart@mail.ru

«Go To Print» ХК босмахонасида босилди.
Тошкент шаҳри, Широқ кўчаси, 100-уй.
Телефон: 71 228-07-96, факс: 71 228-07-95



**ОЛИЙ ТАЪЛИМДА
АДАБИЁТЛАР БИЛАН
ИШЛАШНИ САМАРАЛИ
ТАШКИЛ ЭТИШ**



ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДҚИҚОТЛАРИ ВА
ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ МАРКАЗИ

ISBN 978-9943-9096-8-7



9 789943 909687